

O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI



QOZOG'ISTON RESPUBLIKASINING JANUBIY-QOZOG'ISTON
UNIVERSITETI



QOZOG'ISTON RESPUBLIKASI YEVROOSIYO MILLIY UNIVERSITETI



"TURKIY TILLI XALQLAR FALSAFASI, MADANIYATI: TARIX, BUGUN
VA KELAJAK"

"ФИЛОСОФИЯ, КУЛЬТУРА ТЮРКОЯЗЫЧНЫХ НАРОДОВ:
ИСТОРИЯ, НАСТОЯЩЕЕ И БУДУЩЕЕ"

"PHILOSOPHY, CULTURE OF THE TURKIC-SPEAKING PEOPLES:
HISTORY, PRESENT AND FUTURE

mavzusidagi xalqaro online

SIMPOZIUM

materiallari

ТОШКЕНТ – 2020

Ma'sul muharrirlar:

O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI, PROREKTORI

Filologiya fanlari doktori, professor Zohidjon Islamov

*QOZOG'ISTON RESPUBLIKASINING JANUBIY-QOZOG'ISTON
UNIVERSITETI DEKANI*

Yuridik fanlari nomzodi, dotsent Kayrat Bitemirov

*QOZOG'ISTON RESPUBLIKASI YEVROOSIYO MILLIY
UNIVERSITETI KAFEDRA MUDIRI*

Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) Ospanova Aygerim
Nuralievna

Tahrir ha'ati:

Y.f.n., dots. H.N.Tuychieva, f.f.d., prof. M.M.Kaxxarova, f.f.n.(PhD)
M.I.Xujaev, t.f.n., dots. M.Jumabekov, f.f.n., dots. M.K. Rakhimshikova,
M.Xavazmetova

Tashkilotchilar:

Y.f.n., dots. H.N.Tuychieva, f.f.d., prof. M.M.Kaxxarova, f.f.n.(PhD)
M.I.Xujaev, t.f.n., dots. M.Jumabekov, f.f.n., dots. M.K. Rakhimshikova,
s.f.n. (PhD)A.N. Ospanova, D.Xavazmetova

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi Ilmiy va o'quv-uslubiy
Kengashining 2020 yil 22 dekabrda 9-sonli majlisida nashrga tavsiya
etilgan.*

Беҳбудий янги мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод”(1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний”(1905), “Рисолаи жуғрофияи Русий”(1905), “Китобатул атфол”(1908), “Амалиёти ислом”(1908), “Тарихи ислом” (1909) каби қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзди ва дастурлар яратди.

Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистондаги жадиличлик ҳаракатининг раҳнамоси, янги усулдаги мактаблар тарғиботчиси ва асосчисидир.

Адабиётлар

1. “Ойна” журнали, 1914, 41-сон; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 225-бет.
2. Наим Каримов. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Т.: 2010. www.ziyouz.com kutubxonasi. 22-бет.
3. *«Ойна» журнали, 1914 йил, 21-сон, 390—391-бетлар.*
4. *“Самарқанд” газетаси, 1913 йил, 30 июль.*
5. *“Самарқанд” газетаси, 1913 йил, 30 июль.*
6. *“Самарқанд” газетаси, 1913 йил, 12 июль.*

XVI АСР БУХОРО ШАҲРИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР ТОПОГРАФИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жўраева Нафиса Олимовна-БухДУ,

Тарих ва маданий мерос факультети, катта ўқитувчи

Таянч сўзлар:шаҳар девори, шаҳар чегараси, муқаддас қадамжо, мозор, шаҳар ҳудуди, ҳудудий ўзгартиришлар, дарвоза, зиёратгоҳлар

Аннотация: Мазкур мақолада XVI асрда Бухоро шаҳрини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган ҳудудий ўзгаришларнинг муқаддас қадамжолар топографиясида акс этиши масаласи таҳлил қилинган.

В данной статье анализируется вопрос отражения региональных изменений в топографии святых мест с целью расширения города Бухары в XVI веке.

This article analyzes the expression of territorial changes in the topography of tombs in the 16th century in order to expand the city of Bukhara.

XVI асрда шайбонийлардан Абдуллохон II даврида Бухоро атрофи янги девор билан ўраб олинди ва дарвозалар қурилди. Тарихий адабиётларда шайбоний Абдуллахон II даврида Бухоро шаҳри бир мунча кенгайганлигини, хоннинг фармони билан шаҳар девори ва ҳарбий истеҳкомлар қайтадан қурилганлигини, шунингдек, шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳонақолар ва янги расталар барпо қилинганлиги, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларида тим (Абдуллахон тими), кўчалар чорраҳаси устига гумбазтоқлар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар қурилганлигини кузатиш мумкин. Абдулазизхон деворининг ғарбий қисми Абдуллахон томонидан бузиб ташланиб, ўрнида Хиёбон проспекти ташкил этилди.

Хўш, бу даврда Бухоро шаҳридаги муқаддас қадамжолар топографиясида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

XVI асрда шаҳар чегараларини кенгайтириш мақсадида Жўйбор мавзеининг шарқий чегарасидаги вайрон бўлган эски шаҳар девори ўрнида Хиёбон шоҳ кўчаси шакллантирилди. Янги девор ғарбга, сўнгги девор чегараларига (XIX аср), шу жумладан, шаҳар ичидаги қудратли

Жўйбор шайхларининг уйларигача сурилди. Шайх Жалол, Қоракўл, Ширгарон ва Талипoch дарвозалари қурилди (3,106).

Шаҳар кенгайиши муқаддас қадамжолар топографиясига ўзгаришларга олиб келди. Дастлаб шаҳар деворидан ташқарида жойлашган мазор ва қадамжолар XVI асрда девор қурилиши натижасида шаҳар ҳудудига қўшиб олинди. Демак, XVI асргача қайси муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар шаҳар ташқарисида эди деган ҳақли савол туғилади?

Охирги марта шаҳарни девор билан ўраб олиш ва ҳудудий ўзгартиришлар IX аср (850)да амалга оширилган бўлса, худди шу даврда девор ташқарисида бўлган муқаддас зиёратгоҳлар шаҳар таркибига кирдимиз?

IX-X асрларда Чашмаи Аййуб, Хўжа Чаҳоршанбе, Турки Жанди, Хўжа Булғор, Хўжа Нуробод, Хўжа Сесарон мазорлари шаҳар чегарасида ва шаҳар деворидан ташқарида жойлашган (2,18)Шундай қилиб, шу даврдаги мазор ва қадамжоларни ўрганиш нафақат шаҳар топографияси ва чегараларини аниқлаш имкониятини беради, балки мазкур даврдаги шаҳар дарвозалари ва шу дарвозаларга яқин бўлган ҳудудлар ҳақидаги маълумотларни ойдинлаштиради.Негаки, мазорларнинг ҳар бири шаҳар дарвозалари орқасида эди (2,19).

Бухоро шаҳрининг XVI асргача бўлган шимолий чегаралари ўтган объектлар сифатида О.А.Сухарева бир нечта мазорларни санаб ўтади.О.А.Сухарева тадқиқотида кўра шаҳарнинг XVI асргача шимолий чегараси Нуробод қабристонини , Авлиёйи Қалон мазори, Айёр миносаси ва Шаҳристоннинг шимолида жойлашган Тўпхона гузарига ҳозиргача сақланиб қолган Хўжа Сўфиёни Саури мазори бўйлаб ўтади (1,32). Демак, юқорида кўрсатилган мазорлар XVI асрнинг иккинчи ярмигача шаҳарнинг шимолий нуқталари саналган. Демак, шу

давргача Хўжа Гунжори, Чашмаи Айюб, Солори Ҳаж мазори , Исмоил Сомоний мақбараси, Шайх Рангрез мазорлари шаҳар деворларидан ташқарида бўлган. XVI асрда шаҳар яна бир мудофаа девори билан ўраб олингандан сўнг Хўжа Гунжори, Шайх Жалол, Шайх Рангрез, Чашмаи Айюб мазори, Солори Ҳаж мазори шаҳар девори ичкараси бўйлаб жойлашди.

Шаҳар чегаралари ҳақидаги масалани ўрганишда олдинга анчагина илғор қадамни В.А.Шишкин қилди, у археология ва топография бўйича маълумотларга таяниб X аср Бухоро рабадининг чегаралари ҳақидаги масалани янгирач ечди.

Унинг тахмини бўйича IX-X асрлар шаҳар чегаралари сифатида мазорлар (Чашма-Аюб, Хўжа Чоршанба, Турки Жанди, Хўжа Булғор, Хўжа Нуробод ва Хўжа Сесарон) ни белгилаб берди. Чашма-Аюб, Хўжа Чоршанба, Турки Жанди, Хўжа Булғор, Хўжа Нуробод ва Хўжа Сесарон мазорларини, уларнинг ҳар бири шаҳар дарвозаларидан бири орқасида жойлашганлигини инобатга олиб, В.А.Шишкин бу мазорларни шаҳар чегаралари сифатида кўрсатди. Шундай қилиб, Шишкин тадқиқотлари бўйича шаҳар чегаралари Чашма-Аюб мазорининг шарқий бурчагидан Хўжа Гундзар ва Хўжа Чоршанба мазорларидан ўтказилган синиқ чизиқ билан аниқланади. Жанубий чегара Хўжа Чоршанба мазорининг шимолий-шарқий бурчагидан Турки Жанди мазорининг шимолий четигача ўтарди, шу ердан Хўжа Булғор мазоригача ва Калобод жойигача, бу эса жанубий ва шарқий чегарани билдирарди. Кейин Калободдан Хўжа Нуробод мазори ёнида шимолга қараб қолган ботқоқли пастликни ўтиб Авлиёи Кабир мазоригача (Айёр қадимги минора жойи), шу ердан Чашма-Аюб мазорининг жанубий четигача. Бу ҳақиқатда шаҳар топографиясини ўрганишга асосланган бу зукколик тахмини, В.А.Шишкин томонидан шундай белгиланган шаҳарнинг

шимолий чегаралари нуқталаридан бири тахминан юқорида айтиб ўтилгандай Маъбид (Нур) дарвозалари жойлашган жойга етади (1,41)

Бухоро шаҳри ўрта аср қурилиш анъаналари асосида қурилганлигига асосланиб айтиш мумкинки, В.А.Шишкіннинг шаҳар пайдо бўлишида мазорларнинг роли ҳақидаги қарашлари тўғри бўлиб чиқади. Бироқ фақат шаҳар дарвозаларидан ташқаридаги мазорларгина шаҳарнинг тарихий қиёфасини шакллантиришга иштирок этмаган. Балки шаҳар ичидаги мазорлар ҳам Бухоро шаҳри қурилиш анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ҳолда Бухоро шаҳри топографиясининг таркибига айланиб борган. Шаҳар ташқарисидаги мазорлар шаҳарда аҳоли кўпайишиши оқибатида шаҳар ичида қолиб кетган. Аҳоли кўпайишиши натижасида янги гузарлар вужудга келиб кейинчалик уларнинг атрофи девор билан ўраб олиб, деворлар дарвозалар билан мустаҳкамланган. Санитария–гигиена нуқтаи назаридан ҳамда шаҳарда жой камлиги учун янги қурилган дарвозалардан ташқарида мазорлар вужудга келтирилган.

Кейинги асрларда, айниқса XVI асрдан сўнг Ҳазрати Имом дарвозаси томон чўзилган ҳудудда турар жойлар, гузарлар пайдо бўлиб, регистон жанубий-ғарб томонга қараб кенгайиб борган ва ҳозиргига яқин кўринишни олган. XVI асрдан кейин, хусусан XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳудудда Назарча, Хоса Пўлод, Қози Мир Ҳошим гузарлари пайдо бўлди (4,42). **Хулоса қилиб айтиладиган бўлсаки,** Бухоро шаҳрининг кенгайган қисмида ҳар гал янги муҳофаа девори қуриладиганда муқаддас қадамжолар инобатга олиниб, шу муқаддас қадамжо атрофи бўйлаб янги кўча, гузар ва маҳаллалар қад кўтарган. Л.И.Ремпель таъбири билан айтганда, минглаб қабрлар одамлар яшайдиган жойлар билан туташиб кетган бўлиб, шаҳар ҳудудида ҳар қадамда қабристонларни учратиш мумкин бўлган, шаҳар девори

ташқарисидаги қабристонлар эса унга барча асосий ёндашувлар билан ўраб олинган. Демак, муқаддас қадамжолар шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва янги ҳудудлар шаклланишида иштирок этиб, шаҳарнинг муҳим топографик таркибига айланиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. О.А.Сухарева К истории городов Бухарского ханства.-Т.:Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти.1958 йил
2. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары, Ташкент, Издательство комитета наук УзССР, 1936 йил
3. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. Ташкент, издательство литературы и искусства, 1982 йил
4. Тўраев Ҳ.Ҳ. Бухоро тарихи.(ўқув қўлланма), Бухоро.: Дурдона нашриёти.2020 йил

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЛМ МАСАЛАСИ

Гулова Аноргул Ахтамовна

БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий асарларида илм масаласи таҳлил қилинган.

Rezyume: Статъя посвящена проблеме науки в творчестве Алишера Навои проанализированы.

Resume: The article deals with the issue of science in the works of Alisher Navoi analyzed.